

ШАРТНОМА № 40

2022 йил «21» ноябр

Ургут тумани.

ООО «YONG'IN HOLATLARINI KO'RIB CHIQISH VA LJHOZLASH» «Ижрочи» деб юритилади, Устав асосида ҳаракат қилувчи раҳбари А.Абдуллаев номидан, бир томондан **Сирдарё вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси** уз Низоми асосида ҳаракат қилувчи Б.Бегабаев, кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади қуйидагилар тугрисида мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

- 1.1. Ижрочи узига тегишли товарни Буюртмачига мулк қилиб топшириш, Буюртмачи эса ушбу хизматни қабул қилиш ва ҳақини тулаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Хизмат ҳақида маълумотлар: Ушбу шартноманинг 1.3 қисмидаги № 1 жадвалида курсатилган.
- 1.3. № 1

№	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Баҳоси	Суммаси
1	Видеокузатув тизимларини ўрнатиш ва ишга тушириш хизматлари	тўплам	2	5 250 000	10 500 000
				Жами:	10 500 000

- 1.4. Товарнинг умумий баҳоси ККС сиз 10 500 000 (ун миллион беш юз минг) сумни ташкил этади.

2. ТУЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 2.1. Ушбу шартнома буйича тулов қуйидаги тартибда амалга оширилади: Шартнома икки томон уртасида имзоланганидан сунг 10 банк кун ичида Ижрочиға олдиндан 30 % микдорида пул тулаш. Иш (хизмат) бажарилгандан сунг бажарилган ишлар далолатномасида асосан 70 % тўлов қўчирилади
- 2.2. Тулов шакли: Пул утказиш йули билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 3.1. Ижрочининг мажбуриятлари:
- 3.2. Шартноманинг 2.1 банди Буюртмачи томонидан бажарилган санадан бошлаб товарни 20 банк кун ичида Буюртмачига топшириши шарт.
- 3.3. Товарни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида Буюртмачига топшириш.
- 3.4. Товарни шартнома шартларига жавоб берадиган микдорда ва сифатда, ташиш жараёнида унинг бузилиши, синиши ёки йук булиши мумкинлигини истисно қиладиган даражадаги идишларда ва жойлаштирилган ҳолда топшириш.
- 3.5. Буюртмачининг мажбуриятлари:
- 3.6. Товарни 5 кунлик муддатда куздан кечириш. Товарнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, Буюртмачи шу муддатда Ижрочиға аниқланган номувофикликлар ҳақида маълумотларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.
- 3.7. Ижрочи сифати лозим даражада булмаган товарлар юборилганлиги ҳақида хабарномани олган пайтдан бошлаб 20 кун ичида сифати лозим даражада булмаган товарни сифатлисига алмаштириш.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 4.1. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тулик етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

- 4.2. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки ҳужалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, Буюртмачи товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тулашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада булмаган товарлар қийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тулаб қуйилган булса, туланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир.

Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада булмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан ацептсиз тартибда ундириб олинади.

4.3. Етказиб берилган товарлар хакини уз вактида туламаганлик учун Буюртмачи етказиб берувчига утказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,01 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаган микдорида пеня тулайди.

4.4. Тарафларнинг жавобгарлик холатлари Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисидаги» Конуни буйича амалга оширилади.

5. ШАРТНОМАНИ УЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР КИЛИШ ТАРТИБИ.

5.1. Ушбу шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган такдирда хакикий хисобланади.

5.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килишга тарафларнинг келишувига мувофик ёки Узбекистон Республикасини амалдаги конун хужжатларида назарда тутилган асосларга кура, етказилган зарар копланган холда йул куйилади.

6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик холда тарафлар уртасида келиб чикадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш тартибига риоя килинган холда хал этилади.

6.2. Билдирган талабномасига конунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари каноатлантирилмаган такдирда, хукуки бузилган деб хисобловчи тараф нizioni хал килиш учун даъво аризаси билан жавобгар жойлашган хужалик судига мурожаат килишга хакли.

7. БОШКА ШАРТЛАР.

7.1. Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга деб хисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

7.2. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилигида рўжйхатга олинганидан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрига кадар амал килади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ.

«ИЖРОЧИ»

ООО «YONG'IN HOLATLARINI KO'RIB
SHIQISH VA LIHOZLASH»

Манзил: Ургут т, Навоийшоҳ 17

х/р: 20208000705349953001

Миллий Банк Ургут тумани

филиали МФО: 00865

ИНН: 308217649

«БУЮРТМАЧИ»

Сирдарё вилоят Мудофаа ишлари
бошкармаси

Манзил: Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар

Сайхун кучаси 34 уй Тел: 67 225 10 65

ИНН 206844474


х/р 100021860244017021102172001

Тошкент ш. Марказий Банкнинг Тошкент ш.

ХККМ МФО 00014

Рахбар:  А. Абдуллаев

Рахбар:  Б. Бегабаев

GULISTON SHAHRI
«ZULFIQOR-GALQON»
ADVOKATLIK BYUROSI
SHARTNOMA LOYIHASI QONUNGA
ZID EMAS ADVOYAT
XUDOYBERDIEV J.R. 



“ТАСДИКЛАЙМАН”
ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ
Э. Саримсақов
2022 йил

Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасига қарашли Мирзаобод тумани ва Сайхунобод тумани мудофаа ишлари бўлимларига кузатув камерасини ўрнатиш ва сотиб олиш учун ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш(тендер) йиғилиши

БАЁННОМАСИ № 41

17 11 2022 йил

Гулистон шаҳар

Танлов савдолари мажлисида Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғининг 2022 йил 28 апрелдаги 88-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия аъзолари қатнашдилар:

1.	Э. Саримсақов	Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи
Комиссия аъзолари:		
2.	Ф. Зокиров	- Бўлинма бошлиғи
3.	А. Тиллаев	Тафтишчи(ревизор)
4.	С. Аззамов	Чақирув бўлими I-тоифали мутахассис
5.	Ғ. Ибрагимов	СЧР бўлими II-тоифали мутахассис
Комиссия котиби:		
6.	Ғ. Маматқобилов	I-тоифалий бухгалтер

КУНТАРТИБИ:

“Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасига қарашли Мирзаобод тумани ва Сайхунобод тумани мудофаа ишлари бўлимларига кузатув камерасини ўрнатиш ва сотиб олиш учун энг яхши таклифларни саралаш ва танлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” 684-сонли Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сонли қарорига асосан баёнинг ижросини таъминлаш мақсадида энг яхши таклифлар асосида танлаш ўтказилиши тўғрисида 2022 йил 04 ноябрь куни «etender.uzex.uz» сайтига № 22110012175276 -сонли лот билан эълон берилди.

Мазкур танлов ғолиби аниқланиб харид комиссиясининг 2022 йил 14 ноябрь кунда баённома расмийлаштирилиб, икки иш кунига электрон тизимга муҳокама қилиш учун жойлаштирилди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида” 684-сонли Қонуни 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот(лар)да иштирок этмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу ЛОТ: 175276-сонли лот рақами бўйича танлов комиссиясининг баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасига кўра 3 та овоз билан “ООО YONGIN HOLATLARINI KO'RIB CHIQISH VA LIHOZLASH” ғолиб чиқди.

Баҳоловчи комиссия аъзолари ўзаро фикр-мулоҳазалар билдиришиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:






1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сонли қарори **ижро учун қабул қилинсин.**

2. “Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасига қарашли Мирзаобод тумани ва Сайхунобод тумани мудофаа ишлари бўлимларига кузатув камерасини ўрнатиш ва сотиб олиш баёноти лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган энг яхши таклифларни танлаш орқали “ООО YONGIN HOLATLARINI KO'RIB CHIQISH VA LIHOZLASH” томонидан таклиф этган нархи **10 500 000.00** (ҚҚСбилан) сўмга танлов ғолиби деб топилсин.

3. Қарорнинг 100-моддаси бўйича икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги учун “ООО YONGIN HOLATLARINI KO'RIB CHIQISH VA LIHOZLASH” билан шартнома тузилсин.

4. Танлов ғолиби билан шартнома (контракт) тузиш Сирдарё вилояти мудофаа ишлари боқармаси молия ва ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи Б. Курбоновга топширилсин.

Имзолар:

Комиссия аъзолари:	
	Ф. Зокиров
	А. Гиллаев
	С. Аззамов
	Ғ. Ибрагимов
Комиссия котиби:	
	Ғ. Маматқобилов